



 Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖИНИНГ СИЁСИЙ ТАЯНЧИ ВА МАЪНАВИЙ АСОСИ

1991 йил 31 август – ўз тақдирини ўзи белгилашни танлаган халқимизнинг улкан ютуғи сифатида тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган сана. Бу сана – мустақилликка эришган Ўзбекистон учун фақат сиёсий эмас, балки маънавий қайта туғилиш, халқнинг ҳақиқий суверен субъект сифатида жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига йўл очган тарихий бурилиш нуқтасидир.

ИСЛОҲОТДА АМАЛИЙ НАТИЖА БЎЛИШИ КЕРАК

“Туман ҳокимига юздан ортиқ қонун ва қарорлар билан 500 га яқин функция юклатилгани билан уларнинг яримдан кўпини билмайди. Чунки ўзи ҳам, ўринбосарлари ҳам 40 фоиз вақтини йиғилиш ўтказишга сарфляпти. Тумандаги комплекс ривожланишига маъсул бирорта идора 3-5 йиллик мақсад ва режалар дастурини қилиб, ҳоким олдида масала қўя олмаяпти, кунлик топшириқлар билан овора”, деди Президент.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг кунюнганича бор. Тан олиш керакки, ҳудудлар бошқарувида имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмаяпти. Натижада бошланган улкан ислохотлар куйи тизимда ҳаётийлик касб этмаяпти, ресурслар бўлса-да, лойиҳалар ишлаб чиқилмай қолмоқда.

Президентнинг ушбу фикрлари халқ вакили бўлган биз, депутатлар учун ҳам дастур сифатида хизмат қилади. Зотан, халқимиз бизга ишонч билдирган ва барчамиздан амалий натижа кутмоқда.

КЛИПЛИ ФИКРЛАШ ФЕНОМЕНИ:

Вақтнинг тезкорлиги ёки келажак учун таҳдид?

“Клипли фикрлаш” бу фақат идрок қилиш ёки тушуниш хусусияти эмас, балки интеллектуал маданиятга таъҳидир. У фикрлашни тўхтатиб, мулоқот ва бугунги кўриш қобилиятини йўқотишга олиб келади. Мамлакатда бугунги кунда муҳим бўлган аналитик, стратегик фикрлаш ва тизимли ёндашувлардан узоқ бўлган клипли онгга эга битирувчи ҳаётни янгилашга тайёр эмас.

Бундан ташқари, бу университет таълими ўзига хослигига зарар етказди. Университет бу – фикрлаш майдони, бу ерда нафақат билимлар, балки дунёқараш ҳам шаклланади. Бу майдоннинг “клиплашиши” уни симулякрга айлантиради.

Қандай қилиб бу “касаллик” билан курашиш мумкин?
Биринчи навбатда, таълимда гуманитар ядрога қайта ўтиш зарур. Фалсафа, адабиёт каби фанларни чуқурроқ ўрганиш керак, чунки ана шу фанлар чуқур, ижодий фикрлашни шакллантиради. Уларнинг аҳамиятини бирламчи равишда ошириш зарур.

Иккинчидан...
Учинчидан...
Тўртинчидан...
Бешинчидан, ўйловчи ўқитувчини қўллаб-қувватлаш ке-
рак. Ўқувчиларга фақат билимларини узатиб қўймай,
балки уларни ўз фикри билан илҳомлантира оладиган
муҳахассисларга эҳтиёж бор.

Давра суҳбати



Соғлиқни сақлаш тизимининг барқарор ва самарали фаолияти, аввало, унинг асосини ташкил этувчи инсон капитали – тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ҳуқуқий мақоми, касби эркинлиги ва масъулияти билан узвий боғлиқ. Айниқса, ушбу соҳаларда манфаатлар тўқнашвини бартараф этиш, уларнинг фаолиятида аниқ ҳуқуқий чегара ва стандартларни белгилаш бўлганга қараганда долзарб талабларидан биридир.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятида манфатлар тўқнашувининг олдини

рини такомиллаштириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари, Ёшлар парламенти аъзолари, масъул идора ходимлари, ОАВ вакиллари ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этган тадбирда тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги алоқадорлик, манфаатдорлик ва ҳисобдорлик тизими етарлича тартибга

солинмагани, айрим ҳол
шифокорларнинг хусусий
ника, дорихона ва фарм
тика компаниялари билан
рин алоқалари, бевосита
билвосита молиявий ман
дорлиги тиббий хизмат
тига салбий таъсир кўрс
гани ва аҳолининг норози
сабаб бўлаётганига урғу
берилди.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ:



**истиқболли ечимлар, мавжуд
муаммолар ва янгича ёндашувлар**

Бугунги кунда бутун дунёда одам савдоси инсон ҳуқуқларига қарши энг огир жиноятлардан бири сифатида баҳоланмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича юз минглаб инсон турли ваъдалар, алдовлар ёки мажбурлаш орқали меҳнат ва жинсий эксплуатация қурбонига айланади. Халқаро миграция ташкилоти таҳлилларига кўра, ҳар учинчи жабранувчи бола, ҳар бешинчи киши эса халқаро транзит орқали савдо қурбонига айланади ҳамда жабрдийдалар орасида кўп ҳолларда аёллар, болалар ва меҳнат муҳожирлари устунлик қилади.

**ФАЗИЛАТ ВА
ИЛЛАТ: қай
бири
ғолиб?**

Ижтимоий тармоқ орқали инсон иллатлари
 фош бўлаётган бир пайтда,
 китоб воситасида фазилатлар
 қайта тикланмоқда. Фарқ шундаки,
 телефон фош этади,
 китоб сир сақлайди.

Шундай экан, китобга муҳаббат, маърифатга
хурмат, фазилатга эҳтиром
ҳеч қачон сўنмасин.



ДАРАХТГА ПАСПОРТ БЕРГАН ЯПОНЛАР

Японияда битта дарахтни кесиш учун
100 та жойдан рухсат олишга мажбурсиз.
Шунчаки, кесиб ташлаб "дом" қураман деб кўринг,
"дом"ингизни чиқаришади.

Тўғри, Тошкентимиз, бошқа шаҳарларимиз чиройли,
замонавий бўлиши керак.

Аммо шахарсозлик талабларига ҳам жавоб бериши керак-да.
Японияда фалон гектар ҳудудда фалон миқдорда дарахтлар,

фалон миқдорда боғлар бўлиши керак,
деган талаблар ҳам бор.

*Шу сабабдан Японияда хоҳлаган ҳудудингизга яқин жойда
боғ яшнаб туради.*

1 Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида айтилган шунга асосан яна бир бор аниқ ва равшан ифода этилди: “Мустақиллик – Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда”.

Мустақилликнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда ўтказилиши белгиланди.

Янги Ўзбекистон Ривожининг сиёсий таянчи ва маънавий асоси



Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Сўнгги саккиз йилда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар асосида мамлакат ижтимоий ҳаётида том маънодаги юксалиш кузатилди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон қадрини улуғлаш, барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт каби соҳаларда амалга оширилган ислохотлар – мустақиллик шарофати билан шакллانган сиёсий-ҳуқуқий заминнинг амалдаги натижаларидир.

Мустақиллик бизга ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларини устувор қадриятга айлантириш имконини берди. Янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг “ижтимоий характерга” эга экани мустақамлангани ҳам ушбу сиёсатнинг давомийлигини тасдиқлайди.

Давлат томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, пенсия ва нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” каби механизмлар орқали миллионлаб инсонлар манзилли ижтимоий ёрдам билан қамраб олинмоқда.

Шу билан бирга, айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши кўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент қарорида “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шiori алоҳида урғу билан тилга олинган. Бу тасодиф эмас. Чунки истиқлол даврида ўсган авлод бугун давлатимизни янги тараққиёт поғоналарига етаклаётган кучга айланмоқда. Ёшлар учун IT билимлари, чет тилларини ўргатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий университетларда таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан дунёнинг ТОП-300 олийгоҳларида ўқийдиган талабаларнинг барча харажатлари давлат томонидан қопланиши бунга яққол мисолдир.

Қолаверса, мустақиллик туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Замонавий клиника ва марказлар ташкил этилди, тез тиббий ёрдам хизмати, онкология ва перинатал ёрдам тизимлари қайта ташкил қилинди. Ҳатто чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳам давлат тиббий хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Спорт соҳасидаги ютуқлар ҳам истиқлол мевасидир. 2025 йилда футбол бўйича Ўзбекистон миллий ва ўсмирлар терма жамоаларининг жаҳон чемпионатида чиққани, Париж Олимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешликка киргани – мустақил давлатнинг яққол ютуғидир. Бу каби ижобий ютуқларимизга қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик – бу фақат сиёсий мақом эмас, балки миллатнинг эркин нафас олиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини қафолатлайдиган тарихий неъматдир.

Президент қарорида белгилаб берилган вазифа ва йўналишлар – мустақилликнинг халқимиз ҳаётида қандай улкан аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди. Энди олдинги каби эмас – энди ўз йўли, ўз позицияси, ўз моделига эга давлат сифатида Янги Ўзбекистон истиқлол байроғини юксалтарга кўтармоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб, давлатимиз раҳбарининг “Мўғулистонга олий даражадаги ташрифи давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, ушбу ҳужжат Президентимизнинг жорий йил 24–25 июнь кунлари Мўғулистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида 2025–2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий кўрсаткичлари қайд этилиб, фракция олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ижро ишлари тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, эндиликда видеоконференцалоқа харажатларини, суд буйруғига асосан коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови юзасидан қарздорликни, кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ёки тўловлар бўйича қарздорликни, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги ижро ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

— Ҳаммамиз яхши биламиз, бизнинг партиямиз Сайловолди платформасида давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилини қисқартириш орқали хизматларни автомат шаклга ўтказиш, проактив хизматларни кенгайтириш ва аҳолига қўлайликлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган ғояларимиз мавжуд, — деди фракция аъзоси Нодира Жанибекова. — Шунинг учун биз соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ишлар тоифасини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид таклифлар бериб, уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладик.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Муносабат

ИСТИҚЛОЛ
ШУКУҲИ



Химмат ОҚБЎТАЕВ, Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Содиқжон СОДИҚОВ, Хоразм вилояти кенгаши раиси

Буюк тарихга, улкан маънавий меросга эга Самарқанд замини ҳам ўтган 34 йиллик давр ичида бутунлай янгича қиёфа касб этди. Айниқса, сўнгги 8-9 йил ичида вилоятимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етиш мушкул. Янги маҳаллалар, замонавий уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт масканлари, йўллар ва кўприклар барпо этилди. Аҳоли учун қўлай шароитлар яратилиб, йўл-транспорт, сув, электр ва газ таъминоти тизимлари тубдан янгиланди. Шу билан бирга, вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Янги корхоналар ишга туширилиб, минглаб иш ўринлари яратилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида кластер тизими жорий этилиб, ерлардан самарали фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Яқинда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарори шу каби ўзгариш ва ютуқлар сарҳисоби ўлароқ олдимизга аниқ вазифалар қўйди. Аввало, жамиятда юз бераётган ўзгаришларни халқимизга чуқур аңлатиш, бу байрамни ҳар бир юрtdошимиз қалбига самимий қувонч сифатида кириб боришини таъминлаш биринчи навбатдаги вазифадир.

Самарқанд бугун нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам юксак нуфузга эга оқсоқол шаҳар. Туризм соҳасининг замонавий стандартлар асосида янгиланиши туфайли шаҳримиз халқаро конференция, форум ва фестивалларнинг доимий мезбонига айланыпти. Бу, ўз навбатида, вилоятимизнинг маданий ва сайёҳлик салоҳиятини дунёга намойён қилмоқда. Янги ташкил этилган “Ипак йўли” туристик маркази, “Registon Plaza”, “Silk Road Samarkand” мажмуалари вилоятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий юзини тубдан ўзгартирди.

Албатта, буларнинг барчаси мустақиллик туфайли, тинч ва барқарор ҳаёт, халқ ва давлат бирлиги, қатъий сиёсий ирода ҳамда халқимизга хос меҳнатсеварлик самарасидир. Бугун ҳар бир самарқандлик юртдошимиз миллий мустақилликни ўз тақдири, келажаги билан бевосита боғлиқ деб билади.

“Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши ушбу ғоялар асосида Мустақиллик байрамини юксак савияда ўтказишга, халқимизнинг ҳар бир қатламини қамраб олишга, ёш авлод қалбига ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, мустақиллик буюк тарих, юксак масъулият ва ёрқин келажақ сари олиб борувчи йўлдир!

Мустақиллик байрамининг шукуҳи ва завқи ўзгача, халқимиз истиқлолнинг ҳар бир йилини салмоқли ютуқлар билан қарши олмақда. Зеро, ушбу байрам мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларни бир ғоя атрофида бирлаштириб, янги марралар сари илҳомлантиради. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, бу йилги тантаналар янада жозибали ва кўтаринки руҳда ўтиши кутилмоқда.

Байрам “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!” деган бош ғояни ўзида мужассам қилиш ҳам мамлакатимизда инсон қадр-қиммати мустақамланиб бораётганининг ифодасидир.

Дарҳақиқат, сўнгги саккиз йиллик мамлакатимиз тарихига барча жабҳаларда халқнинг ислохотлар, ҳаётбахш ташаббуслар рўёбга чиққан давр сифатида кирди. Айниқса, ижтимоий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, таълим ва тиббиётда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ички ва ташқи сиёсатда шаффофлик улкан натижаларга эшик очди. Натижада Ўзбекистонни дунё тан оляпти.

Қайд этиш жоизки, инсондаги энг олий туйғулардан бири – Ватанга муҳаббат ва садоқатдир. Ўзи туғилиб ўсган она юртини жон қадар севадиган, Ватанидаги катта-кичик ютуқлардан фخرланидиган, қалб кўри, куч ва имкониятини шу жамият ва табиат гузаллиги, ривожига бахшида эта олган инсондагина бу туйғу намойён бўлади. Янги Ўзбекистонни ана шундай инсонлар барпо этади. Президент қарорида ижтимоий ҳаётини янги шу жиҳатлари ҳақида сўз юритилган.

Мустақиллик йилларида кўна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олимжаноқ фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг тубидан ўрин олди. Истиқлол туфайли ўзлимизни аңладик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойён қилиш имконияти очилди. Бу ютуқларимизни халқимиз орасида кенг ёйиш, ёшлар қалбига синдириш қарорда белгиланган асосий вазифалар сирасига қиради.

“Адолат” СДПнинг дастури ва мақсадларида ҳам миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбия қилиш баробарида жамиятни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, энг муҳими, ижтимоий адолатни қарор топтириш масаласи қайд этилган. Шу жиҳатдан қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросига партиямиз фаоллари билан камарбаста бўламиз.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан Президентимиз раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ёзма ҳисобот ёки расмийликдан йироқ, самимий руҳда ўтган тадбирда халқ манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган фикр-мулоҳазалар, таҳлиллар билдирилгани аҳамиятлидир.

Муносабат



Елена БОРИСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

ИСЛОҲОТДА АМАЛИЙ НАТИЖА БЎЛИШИ КЕРАК

Дарҳақиқат, мамлакатимиз етакчиси доимо халқ манфаатларини диққат марказида тутлади. Бу гал ҳам кўйи тизим мутасаддиларининг масъулиятини янада оширишга, ташаббускорлик ва натижадорликни яхшилашга эътибор қаратилди.

Инсон кадри – бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар адолатли, инсонпарвар ва халқ манфаатига йўналтирилган шаклда олиб боришмоқда. Аммо ҳудудларда ислохотлар самарадорлиги қай даражада? Халқ розилигини олиш йўлида амалга оширилаётган ишлар қониқарлими? Йиғилишда ана шу масала танқидий таҳлил қилинди. Янги ташаббуслар, тақлифлар илгари сурилди.

“Туман ҳокимига юздан ортиқ қонун ва қарорлар билан 500 га яқин функция юклатилгани билан уларнинг ярмидан кўпини билмайди. Чунки ўзи ҳам, ўринбосарлари ҳам 40 фоиз вақтини йиғилиш ўтказишга сарфляпти. Тумандаги комплекс ривожланишга масъул бирорта идора 3-5 йиллик мақсад ва режалар дастурини қилиб, ҳоким олдида масала кўя олмаяпти, кунлик топшириқлар билан овора”, деди Президент.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг қуёнганча бор. Тан олиш кераки, ҳудудлар бошқарувда имкониятлардан тўлақонли фойдаланилма-япти. Натижада бошланган улкан ислохотлар кўйи тизимда ҳаётийлик касб этмаяпти, ресурслар бўлса-да, лойиҳалар ишлаб чиқилмай қолмоқда.

Президентнинг ушбу фикрлари халқ вакили бўлган биз, депутатлар учун ҳам дастур сифатида хизмат қилади. Зотан, халқимиз бизга ишонч билдирган ва барчамиздан амалий натижа кутмоқда. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг нега тўлиқ ишламай қолаётганини маҳаллий ҳокимият билан мулоқот олиб бориш орқали ўрганишимиз зарур. Бу янги, истиқболли тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишда ҳам қўл келади.

Бошқача айтганда, давлат раҳбари имконият ва шароит яратиб берапти. Кўйи тизим масъулларидан амалий натижа бўлиши керак. Бунда биз уларга кўмакчи, маслаҳатчимиз. Чунки халқ олдида барчамизнинг масъулиятимиз бир хил. Энди аввалгидек ишлаш, тайёр ечимни кутиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт сифати ва даражасини ошириш учун механизмлар етарли. Фақат уларни маҳаллий раҳбарларнинг ташаббуси ва масъулияти билан уйғунлаштириш керак. Ана шундагина натижа бўлади.

Президент йиғилишда яна кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Натижадорликни таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, ҳар бир туманда мутахассислар ва етакчи тадбиркорлар иштирокида “Ислохотлар штаби” тузилади. Ҳар бир маҳалла кесимида таҳлил юритилиб, уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Унда лойиҳалар, инфратузилма, молиялаштириш, кадрлар билан таъминлаш масалалари қамраб олинади.

Яна бир муҳим янгилик, жорий йил 1 августдан ҳокимликларда иш ҳақи кўтарилди, ходимнинг натижадорлиги, салоҳиятига қараб устима ва бонуслар жорий қилинади. Бу ислохот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Демак, ушбу жиҳатлар, албатта, келгуси иш-режаларимизда иноватга олинади.

Қайд этиш жоизки, давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси, билим-салоҳиятли ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатини қадрлаш масалалари “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида устувор ўрин тутди. Партия “Кучли ижтимоий сиёсат – халқ фаровонлигининг кафолати” деган ҳаётий ғояни илгари сурмоқда. Бу мақсадга партия Олий Мажлисидаги фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлари орқали эришмоқда.

Биз яхши тушунамиз, мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворсиз ислохотлар самара бермайди. Ҳуқуқий асос эса халқ ичидан, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Шу боис, фракция аъзолари ўз сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлиб, ҳудудий масалаларни ҳам чуқур ўрганмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам энг муҳим мақсадлардан бири – мамлакатимизни ўртадан юқори даромадли давлатлар қаторига олиб чиқишдан иборат. Бу эса барқарор иқтисодий ривожланишни талаб қилади. Ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти эса бутун мамлакат барқарорлигининг асосий “томир”идир.



ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ: ИСТИҚБОЛЛИ ЕЧИМЛАР, МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

1 Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда ушбу муаммога қарши қатъий ҳуқуқий ва институционал чоралар кўришмоқда. Хусусан, давлат, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар ва халқаро тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, иллат сабабларининг олдини олиш, жамоатчиликда ҳуқуқий онг ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш доирасида қатор тадбирлар, учрашув ва тарғибот акциялари ўтказилмоқда.

Жумладан, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказида “Биз одам савдосига қаршимиз” ҳуқуқий тарғибот ойлиги доирасида ташкил этилган “Одам савдосига қарши курашда ҳамкорликнинг янги истиқболлари” мавзусидаги давра суҳбати ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосининг олдини олиш, жабрдийдаларни тезкор аниқлаб, самарали реабилитация қилиш орқали жамиятга қайтариш бора-сидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро миграция ташкилоти маслаҳатчилари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари, “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари, Ички ишлар вазирлигига қарашли одам савдосига қарши курашиш бўйича кичик комиссия мутахассислари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъуллари, Реабилитация маркази раҳбарияти, “Истиқболли авлод” ННТ ва бошқа жамоатчилик органлари вакиллари қатнашган тадбир давомида мазкур иллатга қарши курашишдаги истиқболли ечимлар, мавжуд муаммолар

ва янгича ёндашувлар муҳокама қилинди.

Давра суҳбати аввалида Марказ директори Муқаддам Расулова одам савдоси оқибатларини бартараф этишда тузилманинг асосий вазифалари, жабрдийда шахслар билан ишлашдаги ёндашувлари, психо-социал ёрдам механизмлари ва уларнинг реабилитация жараёнидаги самараси ҳақида сўз юритди. Шунингдек, одам савдосининг олдини олиш фақат қонуний чоралар билан эмас, балки кучли ижтимоий ҳамкорлик, маърифий иш олиб бориш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш билан ҳам боғлиқ эканини қайд этди.

Таъкидланганидек, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази Ўзбекистонда мазкур тоифадаги шахсларга мўлжалланган ягона давлат муассасаси бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарори асосида ташкил этилган ва бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида фаолият юритмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — одам савдосидан жабрланган ва жабрланган деб ҳисобланган шахсларга ижтимоий, психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни жамиятга қайта мослаштириш, касб-хўнарга ўқитиш, шахсий ҳужжатларни тиклашда кўмаклашиш ва барча хизматларни шахсий махфийлик тамойили асосида амалга оширишдан иборат.

Тадбир давомида сўзга чиққан “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова партия томонидан ўтказилаётган “Биз одам савдосига қаршимиз!” ойлиги доирасида амалга оширилган ишлар, тарғибот тадбирларига алоҳида тўхталар экан, одам савдосига қарши кураш фақатгина жазо чораларини қучайтириш билан чекланмаслиги, бунда жамиятда ҳуқуқий имунитетни шакллантириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда барчанинг зиммасида бирдек жавобгарлик борлигини таъкидлади.

– Партиямиз бу йўналишда жамоатчилик билан ўзаро мулоқот, тарғибот-ташвиқот ва фуқаролар билан тўғридан-тўғри ишлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунинг учун, бу каби ишларни узлуксиз жамоатчилик ҳаракати сифатида баҳолаб, тарғибот ишларини доимий давом эттираемиз. Мазкур йўналишдаги қонунчилик, ижтимоий ҳимоя, реабилитация ва ёрдам ишларини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш бундан кейин ҳам эътиборимизда бўлади. Энг муҳими, депутатларимиз, ҳудудий ва марказий тузилмаларимиздаги ижро органлари масъуллари Марказ билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёр, – деди Робохон Махмудова.

Тадбирда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар соҳадаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиши, одам савдосига қарши курашда янада қатъий ва таъсирли чоралар кўрилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Шундан сўнг давра суҳбати иштирокчилари жараёнда амалий жиҳатдан инфратузилма ва ижтимоий хизматлар тармоғи қандай ишляётганини ўрганиш мақсадида Марказ фаолияти, унинг имкониятлари ва кўрсатилаётган хизматлар билан яқиндан та-

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ, “Адолат” СДП Матбуот хизмати ходими

нишишди. Маълумот ўрнида айтиш кераки, Марказ қуввати 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда эркак ва аёллар алоҳида-алоҳида хоналарга жойлаштирилади. Барча хизматлар бепул тақдим этилади. Жабрдийдаларга икки кишилик хона, дам олиш ва овқатланиш хоналари, уч маҳал иссиқ овқат, турар жой шароитлари билан таъминланган муҳит яратилади. Шу билан бирга, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, профессионал психолог маслаҳати, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматлар ҳам кўрсатилади. Марказда қолиш муддати одатда 30 кунни ташкил этади, зарурат туғилганда 3 ойгача узайтирилиши мумкин. Агар жабрдийданинг ҳаёти ёки соғлиғи ҳавф остида бўлса, махсус муддатгача узайтириш амалиёти ҳам назарда тутилган. Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро Марказни ўз хоҳишига биноан исталган пайтда тарк этиш ҳуқуқига эга.

Бир сўз билан айтганда, бу каби инфратузилма объектлари, амалдаги ёрдам механизмлари ва мутахассислар жамоаси фаолияти одам савдосидан жабр кўрган шахсларни нафақат муҳофаза қилиш, балки уларни ҳаётга қайта мослаштириш, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишини таъминлашга хизмат қилади.

Тақлиф

УЙ ҚУРМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ, ДАРАХТ ЭКИНГ!

Фаррух АБДУҲАМИДОВ, халқ депутатлари Арнасой туман кенгаши депутати

Бугун кўплаб шаҳар ва туманларда уй-жой қурилиши фаол давом этмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳолат – аҳоли уйли бўлмоқда, инфратузилма ривожланмоқда. Бироқ бу қурилишлар баъзида дарахтларни кесиш, яшил ҳудудларни йўқ қилиш орқали амалга оширилмоқда.

Энг ёмони — агар дарахт кесилмаса ҳам, ўша янги уй қурилган жойда яшил ҳудудларни тиклашга ҳеч ким масъул эмас.

Менимча, бу муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир қурувчи тадбиркор дарахт кесмаса ҳам, маҳаллий ҳокимият жамғармасига белгиланган миқдордаги тўловни амалга ошириши лозим.

Бу маблаг табиатни тиклаш, дарахт экиш, умумшаҳар паркларини сақлаш учун сарфланади. Чунки қурилган ҳар бир уй — бу янги аҳоли, янги инфратузилма ва яшил муҳитга бўлган талабнинг ортиши демакдир.

Қолаверса, тадбиркорларнинг дарахт кесиш каби “абсурд” ташаббуслари камаярди.

БИЗНИНГ ТАКЛИФИМИЗ, УЙ ҚУРМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ, ЛЕКИН ДАРАХТ ҲАМ ЭКИНГ!





“ШИФОКОР + ДОРИХОНА=ҲАМКОР” ЛИГИГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

1 Хусусан, бу борада “Адолат” СДП томонидан ўтказилган 5326 нафар фуқаро иштирокидаги ижтимоий сўровномада аҳоли орасида дори воситалари харидида электрон тизимлардан фойдаланишдаги қийинчиликлар, дорихоналарда нархларни сунъий равишда ошириш ҳолатлари кузатилаётгани, шифокорлар ва фармацевтлар ўртасида яширин келишувлар учраётгани қайд этилди. **Фракция аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова** сўровнома натижаларини таҳлил қилар экан, дори воситаларининг нарх шаклланишини онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий этиш, фуқаролар реал вақтда маҳсулотнинг ҳақиқий нарҳини билиб олиши учун ягона маълумот платформаси яратилиши лозимлиги бўйича таклифларни илгари сурди.

Давра сўхбатига **фракция раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Валиев** тиббиёт ходимлари ва дорихоналар, фармацевтика компаниялари ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ чегараланмагани, бу эса касбий стандартларни бузишга ва фармацевтик маҳсулотлар сифати бўйича ишончсизликка олиб келаётгани ҳақида сўз юритди. Шу-

нингдек, **депутат Бехзод Тўхтамуродов** бу борада халқаро тажрибадан мисоллар келтириб, жараёни ҳуқуқий асосда тартибга солиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва фармацевтика бозорида шаффофлиқни таъминлаш учун ваколатли давлат органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлигини қайд этди.

Жумладан, Францияда ҳар қандай шифокор ва фармацевтик компания ўртасидаги шартнома ёки берилган имтиёзлар мажбурий равишда давлат порталида эълон қилинади. Қоидаларга амал қилмаслик 45 000 евро жаримага сабаб бўлади. Россияда тиббиёт ходимлариға ҳар қандай молиявий совға, кўнгилочар хизматлар ёки қўшимча тўловларни қабул қилиш тақиқланган.

Фракция аъзоси Дилмурод Исмоилов “шифокор + фармацевтика + дорихона” ўртасидаги молиявий алоқаларни қатъий тартибга солиш, дори воситаларини онлайн харид қилиш имкониятларини кенгайтириш, бу орқали нархлар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан ўз таклифларини берди.

Тадбирнинг муҳокама қисмида **Соғлиқни**

сақлаш вазирлигининг даволаш профилактика департаменти бошлиғи Умида Ғазиева, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази директори Алишер Темиров, Тошкент тиббиёт университети факультет декани Сарвар Алиев, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ботир Шариповлар ўз муносабатларини билдиришди. Йиғилиш якунида амалдаги қонунчиликда шифокорлар ва фармацевтлар ўртасидаги ноқонуний муносабатларни тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ечим талаб қилаётгани қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи ўқишга тайёрланаётган “Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини пишиқ-пухта ишлаб чиқишда масъул идоралар билан яқин ва самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйишга келишиб олинди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Адолат тарозиси

Халқимизда “Тил югуриги бошга, оёқ югуриги ошга” деган нақл бор. Бу суяксиз тил ҳар нарсани валдирайверса, ўша инсонга ташвиш, бошига бало келтиришига ишорадир. Аммо кундалик ҳаётимизда айрим ҳамюртларимиз бунни тан олмай, ўзларига ортиқча ташвиш сотиб оладилар.



кетма-кет ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарди

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг тергов судьяси

Риштонлик Ҳамиджон Бозорбоев (*исм-шарифлар ўзгартирилган*) ҳозир 45 ёшда. Уч нафар фарзанднинг отаси, ҳадемай келин олиб, қиз чиқарадиган одам. Бироқ ханузгача “ичкилик” дея аталмиш балои азимдан воз кечолмаган. Оқибатда оиласида кунда-кунора жанжал, бақир-чақир, қий-чув юз беради. Унинг бундай хурмача қилиқларидан қўшнилари ҳам безор бўлишган. Лекин одамнинг юзи иссиқ, бу хусусда қонун ҳимоячиларига арз қилишмайди.

Жорий йилнинг 6 январь куни ҳам Ҳ.Бозорбоев ичиб, маст бўлиб қолади. Сўнгра соат 22:30ларда уйига келиб, хотини билан жанжаллашади.

– Бақириб ҳаммаёқни бошингизга кўтаряпсиз, دادаси. Уйга кириб ухлаг, дамингизни олинг, – дея уни тартибга қақиради рафиқаси Дилобар Ниёзова.

Аммо Ҳамиджон аёлининг гапига қулоқ солмайди. Аксинча, баттар авжига чиққанча уни ҳақорат қилади. Бу ҳам етмагандек, Д.Ниёзовани уриб, тан жароҳати етказилади.

Бош қомусимизнинг 21-моддасига мувофиқ, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлат-

нинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Бироқ Ҳ.Бозорбоевнинг ҳовлисидаги қий-чув ухлаш учун ётган қўшниси Даврон Бегматовни қўчатиб, уйғотиб юборади. У асабийлашиб кўчага чиқади. Шунда уйдаги жанжалдан қочиб чиққан уйсининг фарзандлари дарвоза олдида йўғлаб ўтиришганини кўради. Бояқиш болаларнинг ахволи Д.Бегматовни баттар туюқтиради.

– Ҳамма маҳалладошларнинг жонига тегиндиг, бақир-чақир қилма! – дейди у жаҳл устида қўшнисиникига кириб бориб.

– Сен кимсанки, менинг ишимга аралашяпсан? – дея сўкиниб Ҳамиджон Давронга қўл кўтаради.

Шунда Даврон Бегматов ҳам уни уриб, енгил тан жароҳати етказилади. Бошқа қўшниларнинг хабарига биноан ИИБ ходимлари келиб, Ҳ.Бозорбоевни олиб кетишади. Оқибатда унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 592-моддаси 2-қисми ва 194-моддаси 1-қисми, Д.Бегматовга эса 52-моддаси 2-қисми билан маъмурий иш қўзғатилади.

Ёки туманнинг “Вохим” маҳалласида яшовчи Саиджон Умаров ҳам

2024 йил 25 декабрь куни арзимас келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғи Шоҳиста Умарова билан тортишиб қолади.

Гап шундаки, ўша куни Шоҳиста ота уйида бўлиб ўтадиган маросимга бориб келиш учун хўжайинидан рухсат сўрайди. С.Умаров рози бўлгач, фарзандлари билан бирга қизлик уйига кетади. Кечки пайт уйга қайтишда шайтанда поччаси Жаҳонгир Эрматов уларни машинасида ташлаб кетади.

Шундан сўнг кечкурун маст ҳолда уйига қайтган Саиджон аёли ва болаларини божаси ташлаб кетганини эшитиб жанжал қилади. Яъни, хотини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Ш.Умарова фарзандларини олиб, ота уйига аразлаб кетади. Орадан бир ҳафта ўтгач – 2025 йил 1 январь куни эса қайноғалари Исомжон ва Илҳомжон Раззоқовлар униқига келишади. Ака-ука Раззоқовларнинг мақсади сингилларининг қўч-кўронини олиб кетиш эди. Ўша пайтда қайноға-куёвлар ёқалашиб кетишади. Натижада Исомжон ва Илҳомжон қўни-қўшинларнинг тинчлигини бузиб, балинд овозда бақир-чақир қилишади. Боз устига С.Умаровни беҳаё сўзлар билан сўкиб, майда безорилик содир этишади. Шу боис ака-укага нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилади.

Қайд этилган иккала ҳолат ҳам жиноят ишлари бўйича Риштон туман судида қўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жарима жазолари тайинлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасида “*Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни озоҳлан-тириш билан қифояланиши мумкин*” дея белгиланган. Бинобарин, суд ҳуқуқбузар Даврон Бегматовнинг қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, эҳтиётсизлик оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги, Ҳ.Бозорбоевнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, кечирганлиги, айбига иқдорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги ва оилавий шароитини, барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, маъмурий жавобгарликдан озод қилди.

Хулоса ўрнида бир мулоҳазамиз баён этсак. Баъзи юртдошларимиз жаҳл устида бир-бирлари билан тортишиб, тилларига эрк бериб юборишади. Ваҳоланки, инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзга инсонга тили билан озор беришга, айниқса, бировнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб, ҳақорат қилишга ҳақли эмас. Бунни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Иллат

Бугунги кунда ҳуқуқий, адолатли ва барқарор жамият қуриш ҳар қандай давлатнинг устувор мақсадига айланган. Аммо бу борада иқтисодий тараққиётни суғлаштириб, фуқароларнинг тенг имкониятлар ва адолатли тизимга бўлган ишончини пасайтирувчи хатарли иллатлардан бири, шубҳасиз, коррупция ҳисобланади. Шу боис, унинг олдини олиш, илдизига чарбараф этиш ҳар қандай тараққиёт стратегиясининг узвий қисмига айланиши шарт.

КОРРУПЦИЯГА қарши қонунлар — адолатли жамият пойдевори



Хайрулла НАРЗУЛЛАЕВ, Термиз туманлараро маъмурий суди судья ёрдамчиси, Тўлқин ТЕМИРОВ, журналист


Юртимизда сўнгги йилларда ушбу иллатга қарши қатъий ва изчил кураш тизими шакллантирилаётгани бугунги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган, албатта, қувонарли. Масалан, мазкур саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси сифатида 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида иллатнинг моҳияти ва таърифи, унга оид ҳуқуқбузарликлар, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, жавобгарлик шакллари ҳамда халқаро ҳамкорлик механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Қайд этиш жоиз, 34 моддадан иборат мазкур ҳужжатда коррупцияга қарши курашнинг барча йўналишлари қамраб олинган. Масалан, 3-моддада таърифа қўра, коррупция – бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёки бошқа шахслар манфаати учун моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ноқонуний равишда фойдаланиши ёки бошқалар томонидан бундай нафни тақдим этиш ҳолати деб баҳоланади ва фақат шахсий манфаатни қўлаб, жамоат ва давлат манфаатларини четга суриш деган маънони беради. Бундан ташқари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – юқорида таърифланган ҳолатларда қонунчиликда жавобгарлик белгиланган қилмиш бўлиб, аниқ ҳуқуқий оқибатларга эга жиноят сифатида қаралади. Аҳамиятли томони, қонунда фақат ошқора порахўрлик ҳолатлари кўрсатиб берилибгина қолмай, балки унга олиб боровчи потенциал хавф – манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳам қамраб олинган. Дейлик, шахснинг ўз манфаатлари (масалан, қариндошлик, молиявий фойда, шахсий муносабатлар) унинг хизмат бурчларини ҳолис ва адолатли бажаришига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ҳолат ҳамда бундай вазиятларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш коррупциянинг олдини олишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бундан ташқари, 4-моддада коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари қайд этилган бўлиб, улар ҳар бир ваколатли орган ва жамоатчилик аъзолари фаолиятида йўл кўрсатувчи қоидалар сифатида хизмат қилади. Мисол учун, қонунийлик мезонидида ҳар қандай чора-тадбир қонун доирасида амалга оширилиши лозимлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги – коррупцияга қарши кураш жараёнида инсон қадри ва манфаатлари ҳимоя қилиниши шартлиги, очиклик ва шаффофлик – қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг ҳабардорлиги ва иштирокини таъминлаш зарурлиги, тизимлилик – коррупцияга қарши кураш яқка ҳолда эмас, балки уйғунлашган, босқичма-босқич ва барча соҳаларни қамраб олган ҳолда олиб борилиши ва ҳоказо ҳолатларда кўрсатиб берилган.

Бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи муҳим воситалардан бири сифатида қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун замонвий давлат бошқаруви талабларига мос, ҳолис ва самарали ёндашувларни мужассам этган. Аммо бу қонуннинг реал натижа бериши фақат унинг мазмунига эмас, балки унга амал қилувчиларнинг масъулияти ва фуқаролик жамиятининг фаоллигига боғлиқ. Шу маънода, ҳар бир фуқаро коррупцияга қарши курашишда масъулиятли иштирокчига айланган тақдирда, биз фақат адолатли жамият қурибгина қолмай, эркин, ишончли ва барқарор давлат асосларини ҳам мустаҳкамлаб борамиз.

“Adolat” маслаҳатхонаси



Кафиллик (<https://lex.uz/uz/docs/111189#154973>) – шартнома бўйича бошқа шахснинг мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиш.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредит олдида солидар жавоб беради.

Шунингдек, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан барабар ҳақда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқиқлари ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги туфайли кредитор зарарларини тўлайди.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ёзма шаклда тузилмаган кафиллик шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

Кутлов

Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ олий таълим ташкилотларида ҳуқуқшунос йўналиши бўйича ўн мингдан ортиқ талабалар таъсил олишмоқда. “Ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан кимларни танийсиз ва қайси китобларини ўқигансиз?” деган савол билан мурожаат қилинса, уларнинг деярли барчаси, биринчи навбатда, Ҳожимурод Одилқориев домлани ҳамда у киши муаллифлигидаги “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслигини эътироф этишади.



Шуҳрат ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Ёки ҳуқуқшунослар орасида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” соҳасида энг етук олимлар кимлар деган савол, биринчи навбатда, домла эътироф этилади. Албатта, бундай эътирофнинг замирида улкан меҳнат, юксак илмий салоҳият, кенг мушоҳада, давлат ва ҳуқуқнинг умумий қонуниятларини теран тушуниш, англаш ва ўқувчиларга моҳирона етказиб беришдек масъулиятли вазифалар мужассас.

Ҳожимурод Одилқориевни нафақат ҳуқуқшунослар, балки ижтимоий фанлар соҳасининг олимлари, тадқиқотчилари, амалиётчи, эксперт ва мутахассислари ҳам яхши билишади. Сабаби, домла конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, халқаро оммавий ҳуқуқ соҳалари, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва унинг тармоқлари ўртасида ваколатлар тақсимланиши, ижтимоий давлат, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий қадриятлар, одил судлов ва суд-ҳуқуқ ислохотлари, қонунчилик тизимини, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамоатчилик назорати, ижтимоий-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўналишларида ҳам йирик тадқиқотлар олиб борган, етук ва забардаст олим сифатида танилган.

Олим томонидан ҳозирги кунга қадар 60 га яқин монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 550 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Уларда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятлари, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг истиқболлари ҳақидаги қимматли фикрлар билдирилган. Домланинг қўллаб-йилди

мақоалари, уларда илгари сурилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар йирик илмий изланишлар доктарлик диссертациялари учун янги йўналишларни очиб берган.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслиги ҳуқуқшуносликнинг алифбоси сифатида барча олийгоҳларда ўқитилади. Қолаверса, 20 йилдан буён ушбу дарсликнинг бир қанча (оддий, мураккаб, кенгайтирилган, схемали) вариантлари чоп этилди, мавжуд дарслик эҳтиёждан келиб чиқиб, янгиланиб, замонавийлаштириб борилмоқда.

Домланинг ёзишдаги ўзига хос услуби асарларининг ўқишли бўлишига хизмат қилмоқда. Хусусан, дарсликлардаги мавзуларнинг манتيқий боғлиқлиги, чуқур илмий-назарий базага асосланиши, ҳар бир фикр, ғоя ҳаётий ва амалий мисоллар билан боғланиши, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг моҳияти моҳирона очиб берилиши, келгуси истиқболлар ҳақидаги асосли прогнозлар илмий ишларнинг жозибадорлигини оширган. Асарларининг маъно-мазмунини давом эттириш, давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамоатчилик назорати, ижтимоий-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўналишларида ҳам йирик тадқиқотлар олиб борган, етук ва забардаст олим сифатида танилган.

Профессор Ҳожимурод Одилқориевнинг илмий раҳбарлигида 32 нафар фан номзоди, 8 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланган, шу билан бирга у 12 нафар юридик фанлар доктори, шу жумладан 6 нафар (DSc) диссертацияси бўйича илмий маслаҳатчи бўлган. Ҳозирда олимнинг раҳбарлигида 10 дан ортиқ тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ҳожимурод Одилқориев Ўзбекистон Республикаси Конституция-

вий судининг Илмий маслаҳат кенгаши аъзоси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича Республика комиссиясининг аъзоси, Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш аъзоси, Олий Аттестация Комиссиясининг эксперти сифатида кўп йиллар самарали фаолият юритиб келади.

Устоз илмий даражали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Утган даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети, Ислон академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ИИВ академияси, ДХХ академияси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази каби муассасаларнинг Илмий кенгашларида аъзо сифатида юзлаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларига баҳо бериш жараёнида фаол иштирок этган. Ҳозирги пайтда эса Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқотлар институти Илмий кенгаши раиси ўринбосари сифатида фаолиятини давом эттирмоқда.

Устознинг илм ва фан ривожини бундай салмоқли натижалари, ютуқлари замирида кўп йиллик амалий тажриба ётибди. У киши кўп йиллар қонун ижодкорлиги билан шуғулланган амалиётчи ҳисобланади.

Авалло, Ҳожимурод Одилқориевнинг 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилишидаги меҳнатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. 1990-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини лойиҳасини тайёрловчи Ишчи гуруҳ аъзоси бўлган устозимиз Асосий қонуннинг концепцияси ва матнини тайёрлашда фаол иштирок этган.

Домла илмий-амалий анжуманлар, ҳуқуқий тарғибот ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга оид материаллар билан доимий чиқишлар қилмоқда. Республика ва халқаро даражадаги қўллаб-йилди анжуманларда маърузалар билан иштирок этади.

Устоз ҳозирги кунда ҳам амалиёт, илмий-педагогик фаолият, дарсликлар яратиш, шоғирдлар тайёрлаш билан қизгин шуғулланмоқда. Хусусан, Тошкент давлат юридик университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ёшларга ҳуқуқ илмини ўргатиш билан бирга қўллаб-йилди тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Олимдаги илмни қадрлаш, доимий изланиш, меҳнатсеварлик фазилатлари эътирофга лойиқ. Юксак дид, давлат ва ҳуқуққа тегишли фанларнинг нозик қирраларини англаш каби фазилатлар у кишини бошқалардан ажратиб туради.

Устоздаги яна бир фазилат, шоғирдларига ғамхўрлик, уларнинг илмий изланишлари учун ҳаракат ва курашларда ҳам акс этади. Айрим шоғирдларининг илмий изланишлари, уларни охирига етказиб, муайян натижага эришишига унинг ўзидан кўра кўпроқ қайғурганлигини кўп қузатганимиз. Бу устозликнинг муҳим мезони, ўз шоғирдларига меҳрнинг ифодаси сифатида илмдаги “устоз-шоғирд” аънанасининг давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Таниқли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Ҳожимурод Одилқориевни қутлуғ 70 ёши билан самимий табриклаб, устозимизга мустақкам соғлиқ, илм-фанимиз тараққиётига ҳисса қўшишдек хайрли ишларида зафарлар тилаб қоламиз.

Мозий сабоқлари

ҚАДИМГИ СУВ ИНШОТЛАРИНИНГ НУСХАСИ ЁКИ МАКЕТУ ЭМАС, ҲАҚИҚИЙСИ ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

Ислон цивилизацияси маркази экспозициясини бойитиш мақсадида тузилган илмий-инновацион лойиҳалар доирасида қадимги сув иншоотларини замонавий услубда намойиш этиш ишлари бошлаб юборилди. Экспозицияда тарих, бугун ва келажак уйғунлигига эътибор қаратилмоқда.

Марказда суғориш тизимларида фойдаланилган асбоб-ускуналарнинг интерактив макетлари жойлаштирилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори Абдувоҳид Ўрозқелдиев раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи томонидан амалга оширилмоқда.

Институт кичик илмий ходими Жавлон Қутлимуродов таъкидлашча, макетлар реал ҳаракатда бўлиб, таширф буюрувчиларга қадимий суғориш тизими қандай ишлаганини амалда намойиш этади.

– Экспозиция учун турли хил сув иншоотлари макетларини намуна сифатида ясадик. Уларни марказга экспонат сифатида тақдим

этамиз. Экспозицияда жойланган макетлар доимий иш жараёнида бўлади. Турган ҳолда сув тортади, сувни ҳаракатга келтиради. Бу таширф буюрувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлайман. Зеро, сув бор жойда ривожланиш бўлган, қадимги сув иншоотлари ўша давр цивилизацияси ҳақида сўзлайди. Айни кунларда макетларнинг ҳажми ва шакли қай тартибда бўлиши устида фикр алмашяпмиз, – деди Ж.Қутлимуродов.

Қадимда Хоразм ҳудудида сув билан боғлиқ муаммолар бўлган. Уларни ҳал этиш учун маҳаллий олимлар томонидан турли гидротехник иншоотлар яратилган. Амударёдан тўносиз сув олиш, дренаж тизимлари ва суғориш йў-

лари каби ечимлар бу ҳудуднинг цивилизациявий ривожига муҳим ўрин тутган. Юнон, Рим ва зардуштий манбаларда Хоразмдаги сув иншоотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Абу Райҳон Беруний ва Хоразмий каби олимлар асарларида ҳам Амударё ҳавзаси ва сув тизимлари кенг ёритилган.

Қадимги Хоразмдаги ариқлар, каналлар, чигирлар, ҳовузлар ва сардобаларнинг борлиги, улар орқали қишлоқ ҳўжалиги ерларини суғориш тартиби ушбу ҳудудда гидро-мелиоратив тизимлар тараққиёти юқори даражада бўлганини кўрсатади. Экспозицияда ана шу тарихий мерос интерактив равишда тақдим этилади.


Ислон цивилизацияси маркази ахборот хизмати

“Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб овру-пойиллардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду”.

“Ойина” журнали, 1914 йил

Мушоҳада

КЛИПЛИ ФИКРЛАШ ФЕНОМЕНИ:



Раҳимбой ЁРМАТОВ, Жиззах давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори

Ҳозирги жамият тобора кўпроқ “клипpli фикрлаш” феномени билан юзлашмоқда – ҳақиқатни юзак идрок этиш, бунда инсон дунёни бир-бирига боғланмаган парчалар тўплами сифатида қабул қилади. Айниқса, бу феномен олий таълим муҳитида, аникрои, чуқур, тизимли ва танқидий фикрлаш кўникмалари шаклланиши керак бўлган соҳада ўзини кескин намоён қилади.

ТАЛАБАЛАР ФИКРЛАШИГА НИМА БЎЛМОҚДА? НЕГА ДАРСЛАРДА АУДИТОРИЯНИНГ ЭЪТИБОРИНИ УШЛАБ ТУРИШ ТОБОРА ҚИЙИНЛАШМОҚДА? НЕГА МУРАККАБ НАРСАЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИШГА ИНТИЛИШ КУЧАЙМОҚДА? БУ ҲОДИСАНИНГ ИЛДИЗЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Келинг, дастлаб атаманинг маъносига диққат қилайлик. “Клипpli фикрлаш” ўзи нима?

“Клипpli фикрлаш” бу ахборотни идрок этишнинг ўзига хос тури бўлиб, у парчаланиш, қисқа давомийлик, таҳлил ва синтезга қодир эмаслик билан тавсифланади. Ушбу атома television ривожланиши билан, айниқса, мусиқа клиплари орқали кенг тарқалган, бу ерда кадрлар ҳар бир неча сонияда алмаштирилади. Кейинчалик бу атома интернет ва ижтимоий тармоқлар контекстида ҳам фаол ишлатиладиган бўлди.

“Клипpli фикрлаш”га эга бўлган талабалар қандай бўлади? “Клипpli фикрлаш”га эга инсон тез ахборот олишга ўрганади, унинг моҳиятига киришмайди, мураккаб конструкциялар ва узун матнлардан қочади.

“Клипpli фикрлаш” феномени ўз моҳияти бўйича “когнитив услуб” тушунчасига синонимдир. Интеграцион услубга эга бўлган талабалар учун таълим технологияларига асосланиш маъкул, бу технологиялар абстракт фикрлашдан конкретга ўтиш принципига асосланади, шу билан бирга, дифференциал услубга эга бўлган ўқувчилар учун таълим, аксинча, хусусийдан умумийга ўтиш, умумлашган билимларни эгаллашга қаратилади. Аънавий равишда психологлар ва педагоглар “клипpli фикрлаш”нинг олий ўқув юртларида юзага келишининг бир нечта сабабларини ажратиб кўрсатадилар:

Биринчи сабаб – онгнинг рақамлаштирилиши. Ижтимоий тармоқларда доимий бўлиш, ахборот “сторис” ва “постлар” форматда тақдим этилиши ёшлар орасида қисқаликка ва беқарор эътиборга ўргатади.

Иккинчи сабаб – ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайиши. Китоб маъно ва теран моҳиятнинг ташувчиси сифатида, ахборот технологияларига, монитор экранларига ва турли гаджетларга жой берди. Шубҳасиз, бугун ўқиш билан шуғулланувчи талабалар сони жуда кам, адабий-бадий асарлар билан боғлиқ мафтунокликни ҳис қилаётганлар эса яна ҳам оз. Фалсафий ёки илмий-адабий адабиётлар ҳақида эса гапиришнинг ўзи хаёлга келиши мушкул.

Учинчи сабаб – таълимнинг формализацияси. Кўпинча олий таълим муассасалари, ҳатто энг юқори даражадагилари ҳам, “клипpli фикрлаш” моделини ўзлари яратадилар, бу эса парчаланган маърузалар, модулли тизим, ҳисобот ва рейтинглар учун пойга орқали амалга оширилади.

Тўртинчи сабаб – дунёни илмий нуқтаи назардан тушунишга бўлган мотивациянинг йўқлиги. Бундай ҳолатда таълим фақат диплом олиш воситаси бўлиб қолади, илмий тадқиқот эътибордан четда қолади. Натижада таълимнинг ўзи ва унинг мазмунига бўлган қизиқиш йўқолади. Фақат ташқи форма қолади.

“Клипpli фикрлаш” талабаларда қандай намоён бўлади?
1. Талаба фақатгина тариф ёки терминни эслаб қолиши мумкин, лекин уни ўз сўзлари билан тушунишига қодир эмас.

2. Эссе – учки мантисиз, фақат иқтибослар тўплами.
3. Семинарларда жавоблар “слайддан ўқиш” принципи асосида бўлади.
4. Илмий ишларда ўрганиш эмас, компиляция етакчилик қилади.

“Клипpli фикрлаш” бу фақат идрок қилиш ёки тушуниш хусусияти эмас, балки интеллектуал маданиятга таҳдиддир. У фикрлашни тўхтатиб, мулоқот ва бугунги кўриш қобилиятини йўқотишга олиб келади. Мамлакатда бугунги кунда муҳим бўлган аналитик, стратегик фикрлаш ва тизимли ёндашувлардан узоқ бўлган клипpli онга эга битирувчи ҳаётни янгилашга тайёр эмас.

Бундан ташқари, бу университет таълими ўзига хослигига зарар етказиши. Университет бу – фикрлаш майдони, бу ерда нафақат билимлар, балки дунёқараш ҳам шаклланади. Бу майдоннинг “клиплашиши” уни симулярга айлантиради.

Қандай қилиб бу “касаллик” билан курашиш мумкин?

Биринчи навбатда, таълимда гуманитар ядрога қайта ўтиш зарур. Фалсафа, адабиёт каби фанларни чуқурроқ ўрганиш керак, чунки ана шу фанлар чуқур, ижодий фикрлашни шакллантиради. Уларнинг аҳамиятини бирламчи равишда ошириш зарур.

Иккинчидан, диққатли ўқиш кўникмаларини шакллантириш керак. Бу кўникмаларни асарлардан ўқиш, муҳокамалар ва ёзма ишлар орқали ривожлантириш лозим.

Учинчидан, танқидий ва тизимли фикрлашни ривожлантириш бу борада муҳим аҳамиятга эга. Дарсларда кейс методлари, муаммолар семинарлар, тадқиқот ишларини фойдаланиш керак.

Тўртинчидан, экран вақтини чеклаш лозим. Дастурларда рақамли этикетни жорий этиш, офлайн мулоқотни рағбатлантириш зарур.

Бешинчидан, ўйловчи ўқувчини қўллаб-қувватлаш керак. Ўқувчиларга фақат билимларини узатиб қўймай, балки уларни ўз фикри билан илҳомлантира оладиган мутахассисларга эҳтиёж бор.

“Клипpli фикрлаш” феномени – янги даврнинг қийишқ кўзгусига айланмоқда. Лекин олий таълим муассасаси фақатгина рефлекс ёки акс эттирувчи эмас, балки аввало, ўқувчиларни ўзгартирувчи механизм ҳисобланади. Бугунги кундаги педагогнинг асосий вазифаси – фикр юритиш, таҳлил қилиш, танлаш қобилиятига эга бўлган шахсни шакллантиришдан иборат.

Натижада, энг муҳим жиҳат шундаки, келажак клипpli таълим олиб, барча нарсани юзак биладиганларга эмас, балки чуқур фикрлашни билган ва муаммолар вазиятларда ўзига хос ва ноодатий қарорлар қабул қила оладиганларга тегишли бўлади.

Келажак қандай бўлиши эса бугун сизга, бизга, ҳаммамизга боғлиқ.

Китоб ва хитоб

Хитойлик ёзувчи Юй Хуанинг “Яшамок” асарини ўқий бошлаган чоғимдаёқ реал ҳаётдан узилиб, юз йил аввал оғир турмуш азобларини бошдан кечираётган хитойликлар орасига тушиб қолдим.

Муголаа пайтида турмуш тарзидаги фарқларга қарамай, мустабид тузум таъсирида яшаган халқлар тақдири бир хил – оғрик билан кечганини англадим. “Яшамок” шунчаки ҳаёт ҳақида эмас – у қалбдаги изтироб, юракдаги сабр ва одамийлик ҳақидаги сабоқ эди.

ФАЗИЛАТ ВА ҚАЙ ИЛЛАТ: БИРИ БОЛИБ?

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Асарнинг энг аламли қисмлари-дан бири – бош қаҳрамон Фугуининг якка-ю ёлғиз ўғли, бешинчи синф ўқувчиси Ючининг ҳалок бўлиши. У туғруқда оғир аҳволда ётган мактаб директорининг хотинига ўз хоҳиши билан қон беради. Аммо бепарво шифокорлар болакайнинг қонини охириг томчисигача сўриб, уни ҳалок қилишади...

Китобнинг давомини ўқиганим сари фикрларим қуюқлашиб, ўтмишдаги ҳаёт билан бугунги ҳаётни солиштира бошладим.

Шўро тузуми таназулга юз тутаётган йилларда Ўзбекистонда раҳбарлар тез-тез алмашар, марказ томонидан юборилган мутасаддилар эса вазиятни назорат остига олишга уринарди. Иттифоқ, ана шундай шароитда Ўзбекистон Компартиясига Усмонхўжаев раҳбар этиб тайинланади. Унинг шахси ва фаолияти ҳақида турли қарашлар мавжуд, аммо дўстим Абдусамад Қоратолов сўзлаб берган куйидаги воқеа ўша даврда бир инсоннинг тақдири бир оғиз сўз билан у ёқ-бу ёқлик бўлиб кетиши мумкинлигини эслатади.

Ўша даврда билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган Абдусамад кеч куз фаслида пахта теримидан қочиб кетган ўқувчиларни излаб йўлга чиққан. Катта йўлда ортидан бир машина келиб, ёнгинасида тўхтади. Ундан тушган киши – Усмонхўжаев эди. Бир неча дақиқалардан сўнг шу ерга туман раҳбари ҳам етиб келади.

– Кимсан, қаёққа кетяпсан? – деб сўрайди Усмонхўжаев Абдусамаддан. – Билим юрти ўқитувчисиман, болалар теримдан қочиб кетишганди. Излаб кетяпман, – дейди у.

Шунда биринчи котибнинг авзойи бузилиб, Абдусамадга қўлини бигиз қилиб, туман раҳбарига:

– Буни қамаш керак, – дейди.

Шу бир оғиз гап билан Абдусамад олти ой давомида терговга қақирилган. Унга айблов қўйишга уринишган, лекин уни қамашга етарли асос топа олишмаган. Охир-оқибат, жиноят иши ёпилган. Аммо бу вақт мобайнида

унинг руҳиятига етказилган зарба, оиласи ва жамоатчилик олдидаги ранжишлар, қалб дарди ҳамон унутилмаган.

Бу воқеа нафақат бир инсоннинг тақдири, балки бутун бир тузумнинг афту ангорини очиб беради. Бугун шундай воқеаларни эслаш – фақат хотира учун эмас, балки келажак учун ҳам керак.

Кейинги воқеа мустақилликнинг илк йилларида халқ бошидан кечирган оғир, аммо самимий ва инсонпарварликка бой кунлардан бирини ёдга солади. Бу – нафақат тарихий лавҳа, балки инсон қадри, раҳм-шафқат ва раҳбарнинг халқ дардига ҳамдард бўлган ҳолатининг ёрқин мисолидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодиёти оғир ҳолатда эди. Нон, ун, ёғ каби энг зарур маҳсулотлар қамайган пайт. Одамлар триричилик қилиш учун қаттиқ меҳнат қилар, лекин улар учун озиқ-овқат масаласи жиддий муаммага айланганди. Бу вазиятда, туман ҳокими Тоҳирхон Маризаева каби раҳбарлар халқ дардини тўлуниб, оғир ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини топа билди. Ўрим пайтида комбайн ёнидан кузовини бугдойга тўлдириб чиқиб келган машинани бир аёл тўхтатиб, ҳамманинг кўз ўнгига орқа ва ён бортларини очиб ташлади. Кузовдаги бугдой шовуллаб ерга тўкилди. Бир тўп аёллар тўкилган бугдойни талашиб-тортишиб қопларига сола бошлади. Бу лавҳада бир тузумдан иккинчисига ўтиш давридаги миллат қисмати ўз ифодасини топган. Бу ерда мустақил давлатнинг чекка бир туман миқёсидаги раҳбарининг жасорати ва халқпарварлиги, балки бир инсон сифатидаги меҳрибонлиги ҳам намоён бўлади. У аёлларнинг йўлини тўсиш учун қадам қўйган милиционерларни тўхтатганида фақат раҳбар сифатида эмас, она сифатида, аёл сифатида, халқ фарзанди сифатида ҳаракат қилган. Ҳокимнинг “Майли, аёллар дон олсин, уларнинг болалари оч!” деган сўзлари – бу давр ҳақидаги китобларга киритилиши керак бўлган ўлмас ҳақиқат.



Ҳа, бугун асрий орзулар ушалди, ҳаёт қутилганидан-да, зиёда томонга ўзгарди. Энг муҳими, бугун замонлар алмашинувидаги буюқ ҳодисалар бизнинг иштирокимизда содир бўлмоқда. Лекин ўтмишнинг дарси, “Яшамок” каби асарлар бизни ҳушёрликка, фазилатни иллатдан фарқлай олишга ундайди.

Истиқлолга эришганимизга ўттиз йил тўлганда қишлоғимиздаги кекса отахон билан суҳбатлашиб қолдим. Ўшанда тўқсон беш ёшдаги отахон умри давомида бундай тинч, фаровон ва тўкин замонни кўрмаганлигини ҳаяжон билан сўзлаб берганди.

Биз ўтмишдошларимиз каби қимматли вақтнинг тегишли қисмини ёшларга қолдирмоқдамиз. Вақт – бу инсоният учун чексиз имконият. Эсухи жойида бўлган одамларгина вақтнинг қадрига етадилар, умрларини беҳуда ўтказмайдилар.

Ўтмиш, бугун ва келажак – узлуксиз вақт занжири. Бу занжирнинг биттаси узилса, муштараклик йўқолади. Вақт билан ўлчанадиган ҳар бир даврнинг ўз тарғиботчиси бўлади. Тарғибот – бу шунчаки сафсата эмас, балки гоёна қалбдан қалбга ўтказиладиган миллий узлуксизликдир. Агар у сўз кудрати билан ишонч ва ихлосни бирлаштира олса, кўнгилда илҳом уйғотади.

Бугун “тирик китоб” номи билан танилган Хайрулла Асадов миллатни ўз холича китоб ўқишга тарғиб қилмоқда. У мукофотсиз, қиммат тadbбирларсиз одамларда китобга муҳаббат уйғотишдек энг қийин ва олийжаноб ишни амалга оширмоқда, айнак китоб орқали инсон юксала олишини исбот этмоқда.

Биз азалдан фазилатлар билан иллатлар орасида яшаб келамиз. Янги асрнинг юксалиш даври бошланган бугунги кунда, агар кўпроқ фазилатларни тарғиб этмас эканмиз, иллатлар юки қаддимизни букиб, фалаж ҳолга келтириб қўйиши аниқ. Агар китоб, маърифат, тарих ва ҳушёрликни қадрламасак, келажак эшиги биз учун ёпилиши мукаррар.

Маънавий инкироз – ҳар қандай жамиятдаги жуда долзарб ва оғрикли муаммо. Айниқса, китоб ўқимай уни тарғиб қилиш, газета ўқимай унинг

ададини кўпайтиришни талаб қилиш, илмдан хабари бўлмай дарс бериш ва “касби”ни англамай дипломли бўлиш — маърифий дунёнинг таназулига сабаб бўладиган омиллардир.

Келажакда китоб нима эканини билмайдиган, унинг саҳифасини очиб кўришни хоҳламайдиган, ўз касбини англамаган “мутахассислар” жамиятни бошқаришга жавобгар бўлса, натижаси қандай тугагини тасаввур қилаверинг. Китоб шунчаки битиклар тўплами эмас, у ҳаёт қасрига кириш эшигини очиб берадиган қалитдир. У одамни ахлоқдан бойитиб, юрт ва жамият келажиги учун масъул этиб тарбиялайди. Китоб ўқиган инсон руҳан тарбия топгани боис, ҳеч қачон жохолат домига тушмайди. Шунинг учун китоб – фақат инсонни эмас, юртни ҳам хавф-хатардан асрайдиган қалқондир.

Фарзандларимизни меҳнат орқали чиниктириб, маърифат орқали юксалтиришимиз керак. Ҳақиқат шуки, танни руҳсиз, ақлни маърифатсиз тарбиялаб бўлмайди. Меҳнат жасоратни уйғотса, китоб шахсиятни шакллантиради. Китоб орқали фарзандингиз нафақат сизни, балки ўзини ҳам англайди.

Қайси замон ва маконда, қайси шароитда яшамасин, инсон доимо илмга интилган ва илм унга ҳаёт машаққатларини енгиб ўтишда ёрдам берган. Айни замонда энг катта кашфиётлардан бири, шубҳасиз, мобил алоқа воситаси ҳисобланади. Кимлардир ундан илм йўлида, кимлардир фақат ўзини кўз-кўз этиш учун, яна бошқалар ғийбат, тўхмат ва шахсий манфаат йўлида фойдаланмоқда. Телефон ўз эгасининг асл қиёфасини очик-ошкора кўрсатиб берадиган “ойна”га айланади.

Бир сўз билан айтганда, у инсондаги фазилат ва иллатларни фош этувчи қурилма вазифасини ўтамоқда.

Ижтимоий тармоқ орқали инсон иллатлари фош бўлаётган бир пайтда, китоб воситасида фазилатлар қайта тикланмоқда. Фарқ шундаки, телефон фош этади, китоб сир сақлайди. Шундай экан, китобга муҳаббат, маърифатга ҳурмат, фазилатга эҳтиром ҳеч қачон сўнмасин.

Хушхабар

Fitch Ratings ОКМКнинг халқаро рейтингини “ВВ” даражасига кўтарди

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги томонидан “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖга берилган узок муддатли халқаро рейтинг “ВВ-” даражасидан “ВВ” даражасига кўтарилди. Рейтинг “Барқарор” прогнози билан тасдиқланди.




Мазкур қарор Fitch томонидан Ўзбекистон суверен рейтингининг оширилганидан сўнг қабул қилинди. Комбинат давлат иштирокидаги ташкилотлар (GRE) мезонлари асосида баҳоланди ва унинг иқтисодий аҳамияти, давлат билан боғлиқлик даражаси ҳамда молиявий интизоми юқори баҳоланди.

Маълумот учун ОКМК мамлакатда мис ишлаб чиқаришни тўлиқ таъминлаб беради, экспорт ва солиқ тушумлари бўйича етакчи ўринда туради ва йирик “Ёшлик” қазилма бойлиқларни ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Ушбу рейтинг комбинатга халқаро молия бозорларида ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ОКМК ахборот хизмати



“Ким ўқишдан (илм олишдан) тўхтаса қарийди, – хоҳ у 20 ёки 80 ёш бўлсин, – ким мунтазам ўқишни (илм олишни) давом эттирсан ёш-навқирон бўлиб қолаверади. Ҳаётда энг асосийси – мияни ёш-навқирон ҳолатда сақлашдир.

Генри ФОРД
("Форд Моторс" компанияси асосчиси)

“Адолат” социал-демократик партияси Сийсий Кенгаши партиянинг Кумкўрғон туман кенгаши раиси Шойдил Юлдашевга укаси **САЙДУЛЛА ЮЛДАШЕВ**ни бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ДАРАХТГА ПАСПОРТ БЕРГАН ЯПОНЛАР



Бизда биноларни қуришда дарахтларни кесиш мавзуси яна оммалашди. Кимдир у дейди, кимдир бу дейди. Ҳамма ўзича ҳақ. Лекин ҳаммадан ҳам ҳақроғи мен бўлсам керак, деб японларнинг дарахтларга муносабатини айтиб бермоқчиман.

Японияда ҳар бир дарахтнинг паспорти бор. Худди одамлардек. У дарахтларни қайсидир қурувчи келиб, шунчаки кесиб юбора олмайди. Биргина Токионинг ўзида 650 мингдан ошиқ кўча дарахтлари, 1,5 миллиондан ошиқ боғу роғ дарахтлари бор, ҳуллас, Токио худудининг 40 фоиздан ошиғи дарахтлардан, яшилликлардан иборат!

Бизда бино қурсак, дарахтни кессак, ўрнига ниҳоллар экамиз, дейишади. Кечириб қўясиз-у, дунё тажрибасида БИНО ҚУРАЁТГАНЛАР ДАРАХТЛАРНИ КЕСМАЙ, ОЧИҚ МАЙДОНГА БИНО ҚУРИШСА ҲАМ ФАЛОН МИҚДОРДА ДАРАХТ ЭКИШ, ФАЛОН МИҚДОРДАГИ ХУДУДНИ ЯШИЛ ХУДУД ҚИЛИШ МАЖБУРИЙ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛГАН.

Масалан, Япониядаги баланд-баланд биноларнинг энг камида 10 фоиз худуди ЯШИЛ ХУДУД бўлиши мажбурий. Бу дегани бинонинг томи, ҳовлиси, ён-атрофи гуллар ва дарахтларга тўла бўлади, дегани. Қурувчилар шу талабларга жавоб беришмаса, у қурган бино яроқсиз ҳисобланади.

Шу сабабдан Япониянинг қайси биносига борманг, балконлари, маълум қаватлари, ён-атрофлари ям-яшилликка бурканган. Шунинг учун “Дарахт кессам экаман” эмас, “Бино курсам, экишга мажбурман!” деган қараш шаклланган.

Японияда битта дарахтни кесиш учун 100 та жойдан рухсат олишга мажбурсиз. Шунчаки, кесиб ташлаб “дом” қураман деб кўринг, “дом”ингизни чиқаришади. Тўғри, Тошкентимиз, бошқа шаҳарларимиз чиройли, замонавий бўлиши керак. Аммо шахарсозлик талабларига ҳам жавоб бериши керак-да. Японияда фалон гектар худудда фалон миқдорда дарахтлар, фалон миқдорда боғлар бўлиши керак, деган талаблар ҳам бор. Шу сабабдан Японияда хоҳлаган худудингизга яқин жойда боғ яшнаб туради.

Бизнесу баланд бинолар ўз йўлига, аммо қурувчиларга қатъий талабларни қўйиш лозим.

Баҳодир ИСКАНДАРОВ
телеграм-каналдан олинди

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

Boш мұхәррир: Ислон ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Бахром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

ГАЗЕТА 1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган

Навбатчи мұхәррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдугани Содиқов

ISSN 2013-5217

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ГАЗЕТА Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 701

Адади — 2225
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.